



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 27 ноябрь, чоршанба

№94 (11.482)

Эркин нарҳда сотилади

## GERMANIYA TASHKI ISHLAR VAZIRINING TASHRIFI

Германия Федерал ташқи ишлар вазири Йозеф Фишер Ўзбекистон Республикаси ташқи сийбас маҳкамаси раҳбари Абдулвазир Комилов билан учрашди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан Германия ўрта-сидаги алоқалар ҳар томонлама ривожланиб бораётгани таъкидланиб, томонлар истиқболдаги ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш борасидаги фикрлар билан ўртоқлашди.

Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонасидан маълум қилинишича, 26 ноябрь кўни Й.Фишер раҳбарлигидаги делегация Тошкентдан Афғонистонга бориб, қатор учрашувлар ўтказган. Германия делегацияси Афғонистон раҳбарияти, хусусан, мамлакат президенти Хомид Карзай ҳамда Афғонистон ташқи ишлар вазири Муҳаммад Абдулла билан сўхбатлашган. Музокараларда Афғонистонни тиклаш, унга иқтисодий ёрдам кўрсатишга оид масалалар билан бир қаторда, ўтган йил ноябрда Бонн шаҳрида ўтказилган конференция натижаларининг амалий натижаларини сарҳисоб қилишга бағишланган яна бир анжуманни ташкил этиш борасида фикр алмашилган.

(УзА).

## ЛОНДОНДА ЎЗБЕКISTON Йўналишлари ТАҚДИМОТИ

Лондонда ҳар йили ўтказилган «World Travel Market» жаҳон сайёҳлик кўргазмаси ўз иштини якунлади. Унда 172 мамлакатдан 5 мингдан зиёд соҳа компаниялари иштирок этди.

Анъанага биноан бу нуфузли анжуман иштирокчилари учун турли сайёҳлик маҳсулотларини намойиш этиш, амалий битимлар тузиш ҳамда кўргазма дустури доирасида ўтказилган бизнес семинар ва конференцияларда қатнашиш имконияти яратилди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Узинтур», «Сайрам туризм» ва «Ориент Вояждес» сайёҳлик агентликлари вакилларидан иборат бўлган Ўзбекистон хайъати ушбу кўргазмада 1993 йилдан бундан тўққизинчи марта иштирок этмоқда.

Миллий рўхта безатилган Ўзбекистон компаниялари павильонлари ташрифи буюрганларда катта қизиқиш уйғотди. Бу ерда улар Ўзбекистоннинг тарихий ва меъморий обидалари нусхалари, Буюк Ипак йўлида жойлашган шаҳарлардаги турли сайёҳлик йўналишлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Кўргазма иши давомида Ўзбекистон вакиллари йирик хорижий компаниялар билан қатор ўзаро манфаатли битимлар туздилар. Шах-шубҳасиз улар дунёнинг турли бурчакларидан мамлакатимизга келаятган сайёҳлар сонининг кўпайишига кўмак беради.

Мердон ЕҚУБОВ,  
Жаҳон АА, Лондон.

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

### Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

1. 2002 йил 1 декабрдан бошлаб улгуржи савдо фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар амалга оширилаётган савдо операциялари юзасидан иқтисодий ва мулкий жавобгарлиқни таъминлайдиган микдорларда устас жамғармасига ва бошқа активларга эга бўлиши шарт

бўлган тартиб белгилансин. Шундан келиб чиққан ҳолда белгилаб қўйилсинки, иштирокида тегишли моддий-техник базага (ўз омборхоналарига ва асбоб-анжомларига) эга бўлган ҳамда рўйхатдан ўтказиш вақтида энг кам ойлик иш ҳақининг камида 6000 баравари, шундан

пул маблағлари энг кам ойлик иш ҳақининг камида 2000 баравари микдоридида устас жамғармасини шакллантирган юридик шахслар улгуржи савдонинг амалга оширишга рухсат гувоҳномаси олиш ҳуқуқига эгадирлар.

2. Белгилаб қўйилсинки, буюм бозорларида истеъмол товарлари билан чакана савдо белгиланган тартибда яқка тартибдаги тadbиркорлар сифатида рўйхатдан ўтказилган, чакана савдо ҳуқуқига ва экспорт-импорт операцияларини ўтказишга рухсат гувоҳномасига эга бўлган жисмоний

амалга оширувчи яқка тартибдаги тadbиркорлар белгиланган тартибда даромадлар ва товар операциялари ҳисобини юритишлари шарт.

3. Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

4. Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг болалар, ўқув ва табибиёт муассасалари яқинида жойлашган дўконларда алкоғолли маҳсулотлар сотишга рухсат гувоҳномалари бериши тақиқлансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси

каси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари 2003 йил 1 январьгача савдо фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахслар қайта рўйхатдан ўтказилишини, уларнинг ҳужжатлари ва савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномалари мазкур қарор талабларига қатъий мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгариш ва қўшимчалар юзасидан ўн кун муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азимов ва М.Усмонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2002 йил 26 ноябрь.

## Қиёсий таҳлил

Пскент туманидаги И. Ҳайдаров номли ва «Қирққизобод» ширкат хўжаликлари ёнма-ён жойлашган. Халқ ибораси билан айтганда бир ариқдан сув ичадиган ён қўшниллар. Ер, тупроқ шароитлари ҳам бир хил. Шунинг учун улар ҳар йили давлатга пахта сотиш режасини галма-галдан туманда биринчилар қатори бажариб келади. Масалан, ўтган йили «Қирққизобод», бу йил эса, И. Ҳайдаров номли хўжалик биринчи бўлди.

режа 45 фоизда қолиб кетгач, иқтисодийт ҳақида қандай гап бўлиши мумкин? Аммо, аввалги мавсумда туманда биринчи бўлган, йилни 30 миллион сўмдан зиёд фойда билан якунлаган хўжаликнинг нега шундай аҳволга тушиб қолгани бизни қизиқтиради. Дала айланиб, аъзолар билан сўхбат

ҳаракатларини қўлаб-қувватламади, ёрдам бермади. Хуллас, ҳосил бой берилди. Аксарият майдонларда гўза туплари пакана ва нимжон бўлди. Чумчүк семирган билан ботмон бўлариди, деганларидек, рамақижон гўза қанча ҳосил беради. Қолаверса, йиғим-теримни уюштиришга эътибор берилмади. Алданган маҳаллий аҳоли теримда яқини қатнашмади. Беш юз нафарга яқин четдан келган хашарчиларгина андиша билан ҳаракат қилдилар.

Мана энди ҳар икки хўжаликнинг галвири сувдан кўтарилиди. Биринчи 37 миллион 635 минг сўмлик фойда бор, иккинчиси эса, қўп-қуруқ. И. Ҳайдаров номли хўжалик пудратчилари молия-ҳисоб марказига келиб, бу йил етиштирган пахталари юзасидан қўларига оладиган даромадларини ҳисоб-китоб қилмоқдалар. «Қирққизобод»-ликлар эса, собиқ бошқарув раҳбариятининг хўжалик аъзоларидан иш ҳақидан қарз бўлиб қолган 10-12 миллион сўмини қачон ва қандай қилиб қайтариши мумкинлигини билолмай, гаранг бўлиб юрибдилар. Уларнинг гаранг бўлаётганларича бор. Чунки, қўшни хўжалик пудратчилари мўйвай даромад ағаси бўладилар. Масалан, Шаҳодат Жўрмубоева 3 гектар ерда режадаги 7710 ўрнига 10594 килограмм пахта етиштириб, 1 миллион 385 минг 59 сўмга сотди. Сарф-харажат чегирини ташланса, 504 минг 792 сўм даромад қолади. Бундан ташқари у топиширган пахта ҳисобидан арзон нарҳда 385 килограмм пахта ёғи, 1400 килограмм қўнжара, 1050 килограмм чигит шелухаси олади. Ўтган йили (нафақат ўтган йил) қирққизободликлар ҳам шундай хурсандчилик давриларини бошдан кечиришган эди. Бу йил эса...

Айни кунларда «Қирққизобод» хўжалиги аъзолари келгуси йилга катта умид боғламоқдалар. Сабаби — 7 ноябрь кўни хўжаликка янги раис тайинланди. У — қўп йиллардан бери илғорлар сафида келаятган қўшни И. Ҳайдаров номли хўжаликнинг раиси Раҳматхон Соипов.

Бизга айтишларича, хўжалик бош мутахассислари билан ўтказилган биринчи йилги ўлкада янги раҳбар шундай депти: «Мен ҳеч қимни ишдан бўшатмоқчи эмасман. Хўжаликни биргаликда қайта тиклаймиз». Яқин ният. Унинг қай даражада рўйига чиқшини вақт кўрсатади.

Абдусамид  
Йўлдошев,  
Тошкент  
ҲАҚИҚАТИНИНГ МАҲСУС  
МУХБИРИ.

## Ҳамдўстлик клуби

### АНЪАНА ДАВОМ ЭТАДИ

Тошкент вилояти «Ҳамдўстлик» клубида Польша Мустақиллик кўнига бағишланган тadbир бўлиб ўтди.



Польша Республикасининг Ўзбекистондаги Фавақулда ва Мухтор элчиси Зенон Кухчак, дипломатия корпуси вакиллари, клубнинг бир қатор ҳамкор давлатлар вакиллари дийдор кўришиш ва дилдан сўхбатлашиш мақсадида ташриф буюрдилар. Тadbирда сўз олган Польша Республика-

сининг мамлакатимиздаги элчиси З. Кухчак Ўзбекистонда Польша халқига кўрсатилаётган юксак эътибор учун ўз миннатдорчилигини билдирди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдуҳамид Йўлдошев ва ҳоким ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси Адилба Аҳмаджонова маросимда сўзга чиқиб, поляк халқини байрам билан табриқладилар.

Тadbирда халқларимиз ўртасида қарор топган дўстлик ва мамлакатларимиз ўртасидаги самимий муносабатларни авайлаб-асраш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги хусусида қўп илик гаплар айтилди.

Тантаналар нихоясида унинг иштирокчилари «Ҳамдўстлик» клубидаги бундай фойдали учрашувлар анъана бўлиб қолади, икки халқ ўртасидаги дўстлик йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораверади, дея ишонч билдирдилар.

СУРАТЛАРДА: учрашувдан  
ловқалар.

Валерий ХАРИТОНОВ  
олган суратлар.

## Қишда газ камаймайдими?

Совуқ кунлар бошланиши билан кўпчилик хонадонларда газ босими пасайиб кетиши аҳолида хавотир уйғотади.

«Ўзкоммунизмат» агентлигидан олинган маълумотларга кўра, жорий йилда аҳолини газ билан таъминлашда бундай салғи ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида «Бошқомунгаз» корхонасининг «Газтаъминот» шўба корхоналари томонидан кишига пухта тайёргарлик

ўтказилган, тозаланган ва таъмирланган.

Аҳолини газ билан етарли даражада таъминлашда тежамкорликка алоҳида эътибор беришнинг ўрни катта. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида хонадонларга 50 минг донга газ ўлчагич ўрнатилган. Бу ўтган йилдагидан 2,6 баравар кўп демакдир.

Меҳри БОЛЛИЕВА,  
ЎзА мухбири.

## «ТОШКЕНТ-ҲАҚИҚАТИ»

### ҲАМИША СИЗ БИЛАН!

Севилимиз газетамиз бундан бундан ҳам фойдали, ишончли хабарларни  
бўлиб қолгани учун унга ўз вақтида обрива бўлишни учун қилинган.

Бизнинг индекс — 205.

Доимо бирга бўлайлик, азизлар!

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чакирққ туққизинч сессиясида Президентимиз Ислам Каримов томонидан қилинган маърузада Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни ҳуқуқлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг еттига асосий йўналишлари кўрсатиб берилди.

Унда «инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислохотларнинг очкичилигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қоғозда эмас, балки амалий ҳаётда таъбиқ қилиниши» жамиятимизни янада ривожлантириш ва сифат жиҳатдан янгилаш борасидаги энг муҳим устувор йўналиш сифатида алоҳида таъкидланди.

Шуни назарда тутиш керакки, ҳар қандай фуқаролик жамиятининг асосий белгиларидан бири — бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари сўзсиз эътироф этилиши ва муҳофаза қилинишидир. Шунингдек, демократик ҳуқуқий давлат қаерда бўлмасин, давлат суверенитети, қонуннинг устуворлиги, ҳокимиятларнинг бўлиниши, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларининг пойдорлиги тамойиллари асосига қурилади.

Шу сабабли юқоридаги тамойилларнинг ҳар бири Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни — Конституцияда мустақамлаб кўйилган.

Конституция Ўзбекистонда фуқаролик жамияти, яъни халқнинг ўзи бевоқифа бошқарилган жамият ва демократик ҳуқуқий давлат қуриши асосий мақсад қилиб кўяди. Унда «жамият дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон» эканлиги муҳассамлаштирилган.

Инсонни улуғлаш, уни муҳофаза қилиш ва ҳар томонлама камол топтириш Конституциянинг асосий қоясига айланган. Конституциянинг асосий ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳуқуқий меъёлар асосида ишлаб чиқилган ва айташ мумкинки, уни янада тўлдирган, бойитган. Масалан, Конституциянинг 13-моддаси фикримизга далил бўлиши мумкин: «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонулар билан ҳимоя қилинади».

дан бири шундаки, у фақат фуқароларнинг, яъни давлатимизга мансуб кишиларнинггина эмас, балки Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча инсонларнинг муқаддас ва дахлсиз ҳуқуқларини мустақамлашди. Чунки, бизда инсон ҳамма нарсадан устун ва юксак саналади. Унинг яшаш ҳуқуқи муқаддас ва дахлсиздир. Қонундан ташқари ҳеч қим уни ҳуқуқидан маҳрум этиши мумкин эмас.

Инсоннинг эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати — унинг олий қадрияти. Ҳеч қим қулар билан ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликка эга бўлиб, фуқаро ва давлат бирлигига нисбатан мавжуд ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдир. Фуқароларнинг Конституция ва қонуларда мустақамлаб кўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир.

Ўзбекистон давлати ўз органлари, мансабдор шахслари орқали фуқаролар олдида, фуқаролар эса, давлат олдида масъулдирлар. Давлат билан ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқароларнинг Конституция ва қонулар билан мустақамлаб кўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир. Чунки, бизда инсон ҳамма нарсадан устун ва юксак саналади. Унинг яшаш ҳуқуқи муқаддас ва дахлсиздир. Қонундан ташқари ҳеч қим уни ҳуқуқидан маҳрум этиши мумкин эмас.

Инсоннинг эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати — унинг олий қадрияти. Ҳеч қим қулар билан ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқароларнинг Конституция ва қонулар билан мустақамлаб кўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир. Чунки, бизда инсон ҳамма нарсадан устун ва юксак саналади. Унинг яшаш ҳуқуқи муқаддас ва дахлсиздир. Қонундан ташқари ҳеч қим уни ҳуқуқидан маҳрум этиши мумкин эмас.

Инсоннинг эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати — унинг олий қадрияти. Ҳеч қим қулар билан ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқароларнинг Конституция ва қонулар билан мустақамлаб кўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир. Чунки, бизда инсон ҳамма нарсадан устун ва юксак саналади. Унинг яшаш ҳуқуқи муқаддас ва дахлсиздир. Қонундан ташқари ҳеч қим уни ҳуқуқидан маҳрум этиши мумкин эмас.

Инсоннинг эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати — унинг олий қадрияти. Ҳеч қим қулар билан ҳимоя қилинади.



ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ

73-модда. Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудуди ва чегаралари унинг розилигисиз ўзгариштирилиши мумкин эмас. Қорақалпоғистон Республикасининг ўз маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини мустақил ҳал қилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг давлат мустақиллиги унинг ҳудудида ўз устуңлигини назарда тутди. Давлат ҳокимиятининг маълум ҳудудга ва тегишли аҳолига жорий қилиниши ҳар қандай давлатнинг муҳим белгисидир.

Суверен давлат ҳокимиятининг жорий қилиниши чегараси Қорақалпоғистон Республикасининг чегараларидир. Қорақалпоғистон Республикасининг чегараларининг ҳуқуқий мақоми икки томонлама хусусиятга эга. Бир томондан, бу суверен давлат чегаралари бўлиб, улар Қорақалпоғистон ҳудудининг сарҳадларини белгилайди ва унинг розилигисиз ўзгариштирилиши мумкин эмас. Бошқа томондан эса, бу чегараларни қўриқлаш тартиби ҳам бир хил эмас, чунки умумреспублика ҳудудининг ташқи томонига тегишли бўлган қисми Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасидир, бошқа қисми эса, қўриқлаш тартибига кўра, маъмурий-ҳудудий тузилишига тенглаштирилган бўлиб, давлатнинг ички хусусиятига эга. Шунинг учун, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон ҳудудларини ажратиб турадиган чегараларни ўзгариштириш зарурияти туғилса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилигини олиш керак бўлади.

Экстерриториаллиги тўғрисида Қорақалпоғистон Республикасининг чегараларини ўзгариштириш фақат ваколатли орган — Жўқорги Кенгес билдирган розилик асосидагина амалга оширилиши мумкин. Қорақалпоғистоннинг ҳудудида қўйилган қирғиқлик ҳудуди, сув ва ҳаво кенгликларини, Қорақалпоғистон Республикасининг қонуларини унинг ерга, ер ости бойликларига, ички сувларига, ўсимлик ва ҳайвонот оламига, республика ҳудудидаги ҳаво кенгликларига бўлган мулк эгаси ҳуқуқини мустақамлаб кўяди.

Ўз маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини мустақил ҳал қилиш ҳуқуқи шуни англатадики, туманлар ва шаҳарларни ташкил қилиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегарасини ўзгариштириш, топонимик объектларни номлаш ва қайта номлаш, овулар, қишлоқлар ва посёлкаларни ташкил қилиш ва тугатиш масалаларини Қорақалпоғистон Республикасининг Жўқорги Кенгеси ҳал қилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудудий тузилиши шундай ташкил қилинганки, у ўзида бўлинмаслик, бирлик, ўз ҳудудининг Ўзбекистон билан боғланганлиги қирраларини ҳам, унинг алоҳидалиги, мустақиллиги ва ўзига етарлилигини ҳам муҳассамлаштирган.

Эргаш САЙТОВ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлигининг ўринбосари, 3-даражали адлия маслаҳатчиси.

ҚИЗИҚАРЛИ МУЛОҚОТ

БМТ Болалар жамғармасининг (ЮНИСЕФ) Ўзбекистондаги ваколатхонаси Республика таълим маркази билан ҳамкорликда Тошкентда ташкил этган ўқув машғулотлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Эндиликда бундай тренинглари мамлакатимиздаги бошқа мактабларда ҳам ўтказиш режалаштирилмоқда.

Машғулотларда мактаб ўқувчиларининг билимга бўлган қизиқишини янада кучайтириш, уларнинг бўш вақтини маъмурий ўтказишга оид масалалар муҳокама этилди.

Тренинглар республикамизда таълим тизимида кенг қўлланиб келинаётган илғор педагогик технология — ўқитувчи-таълим-ўқувчи услуби асосида олиб борилди. Бунда ўқувчи субъект, яъни таълим жараёнининг фаол иштирокчиси ҳисобланиб, машғулотлар, амалий семинарларда мустақил фикр юритиши, тақлиф-мулоҳаза билдириши мумкин. Шунда унинг қайси соҳа ва йўналишга қизиқиши аниқланиб, зарур шарт-шароит, йўл-йўриқлар берилди. Бу эса машғулот самарадорлигини ошириш, ўқувчида мустақил фикрлаш кўникмасини шакллантиришда муҳим омили бўлади.

Тренинглар жараёнидаги давра суҳбати ҳам анча қўриқлик ривожлантиришга ёрдам берди. Унда мамлакатимиздаги таълим тизимидаги ислохотлар жараёни ва соҳада ўз бераётган жиддий ўзгаришлар хусусида сўз юритилди.

Беҳзод БОТИРОВ, ЎзА мухбири.

«Мустақил Ўзбекистон ёшлари — XXI асрда»

Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил топган бундан ҳафтани бошлаб «Мустақил Ўзбекистон ёшлари — XXI асрда» мавзусидаги таълим маънавиятини янада юксалтириш, онги ва мафқурасининг шаклланишига катта эътибор қаратишмоқда. Бу борада қўрилган чора-тадбирлар ўзининг самарасини бермоқда.

Г.Плеканов номидagi Россия Иқтисодиёт академиясининг Тошкентдаги филиалида бўлиб ўтган «Мустақил Ўзбекистон ёшлари — XXI асрда» мавзусидаги талбабалар халқаро илмий анжуманида шу ҳафта гап борди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши Тошкент давлат иқтисодиёт университети билан ҳамкорликда ташкил этган маъруза тадбирда ҳуқуқ-тартиб идоралари ходимлари, жамоат ташкилотлари, оммавий-ахборот воситалари вакиллари, олимлар ҳамда талабалар иштирок этди.

Жамиятда ёшлар маънавияти ва уларнинг ижтимоий тайёргарлиги, ёшлар тарбиясида оиланинг ўрни, тафаккур ва этиқод, таълим соҳасида ва меҳнат бозорига ёшлар масалалари, ёшлар ҳаётидаги гиневандлик муаммолари каби мавзугар анжуман иштирокчиларнинг диққат марказида бўлди.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ёшларнинг ҳиссаси, талабаларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, илм-фан тарқиқибдидаги иштироки, онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш борасида олиб борилётган ишларни янада фаоллаштириш юзасидан фирм-мулоҳазалар билдирилди.

Беҳзод Норбоев, ЎзА мухбири.

Бозор ва иқтисод

ШАРТНОМА — ИШ МЕЗОНИ

Ангрндаги 72-акциядорлик автомобил корхонаси ўз мижозлари билан шартномалар тузиш ишлашга қатъий амал қилади. Бунда мавжуд имкониятларини тўла ҳисобга олади. Жорий йилда ҳам фаолиятни шу асосда олиб бормоқда.

Йил бошида буюртмачилар билан келишиб, 1 миллион 90 минг тонна ҳажмдаги юкларни ташиш юзасидан меҳнат марраси белгилаб олинди. Жамоа мижозлар олдидаги ўз мажбуриятларини бекам қўст бажариш учун барча имкониятларни ишга солаётди. Бунда мавжуд автотранспорт воситаларидан унумли фойдаланиш, сарф-ҳаражатларни камайтириш, ёнилги ва мойлаш ашёларини, шунингдек, эҳтиёт қисмларнинг ортиқча ишлатилишининг олдини олишга, таъмирлаш хизматини яхши йўлга қўйишга, энг муҳими транспортчиларнинг ўз меҳнати натижасидан манфаатдорлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Жамоа, асосан, шаҳардаги кон санювати корхоналарига хизмат кўрсатмоқда. Ангрн ва Улартоғ кўмир разрезлари, тўққизинчи шахта, контехника асбоб-ускуналарини таъмирлаш заводи ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу йилдан бошлаб улар сафига янги мижозлар ҳам қўшилди. Олмалик кон-металлургия комбинати, «Кулол» акциядорлик жамияти, «Зарбулок» олтин қазиха артели жамоаси ҳам автомобилчилар хизматидан фойдаланмоқдалар. Улар билан икки ўртада тузилган шартномалар ҳам муваффақиятли удалланмоқда.

Йилнинг ўтган тўққизи ойида юк ташиш ҳажми 906,8 минг тоннага ташкил этилди. Бу режадаги нисбатан деярли 17 минг тонна ортиқдир. Юк айланаси бўйича иш кўрсаткичи янада юқори бўлди. У 102,9 фоизни ташкил этди. Автосарой қувватидан фойдаланиш коэффициенти 0,450 га етказилди. Бу ҳам режадаги нисбатан ортиқдир. Корхонада ёнилги-мойлаш ашёларини тежаш учун жиддий кураш бормоқда. Уларнинг ҳар бири литри қатъий ҳисобда. Бу соҳада яхши натижаларга эришяётган ҳайдовчилар рағбатлантириляпти. Тежалган ашёлар қийматининг анчагина қисми уларга муқофот тарзида берилмоқда. Натижада бензин ва дизел ёнилгисини ортиқча сарфланмаляпти. Чунончи, сарфланган ҳар бир литр бензин ҳисобига кўрилган даромад 573 сўмини ташкил этди. Бу топшириқидан 73 сўм кўп ёки унинг кўрсаткичи 114,6 фоизни ташкил этди. Дизел ёнилгисидан фойдаланиш ҳам шунга яқин бўлди. Сарфланган ҳар бир литр бу ёнилги ҳисобига кўрилган даромад 471 сўм ўрнига 513 сўмга етди.

Транспортчилар аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажмини ҳам ошириб бормоқдалар. Шу йилнинг ўтган тўққизи ойида бундан кўрилган даромад деярли 1 миллион 200 минг сўмини ташкил этди ва режа салкам 105 фоизга етказиб бажарилди.

Ани вақтда ишчи-хизматчиларнинг ўзи меҳнати натижасидан манфаатдорлиги муттасил ошиб бораётди. Буни иш ҳақи ҳамда яққол қўриш мумкин. Йилнинг ўтган даврида ўртача ойлик маош 46 минг 427 сўмни ташкил этди. У ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 207 фоиз ошди.

Собир ҲАМИДОВ.

Ўқитувчилар муҳокамасида

Шу йил 8 декабрда мамлакатимиз аҳли Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 10 йиллигини катта байрам сифатида кенг нишонлайди.

Биз, фуқаролар эркин фуқаролик жамиятининг асосий тамойиллари белгилаб берилган Конституцияимизнинг давлат жамият ва ҳар бир инсон ҳаётидаги муҳим аҳамиятини англаб етганимизми? Конституция ва қонуларга ҳурмат ва иттифоқ руҳида тарбиялашда жамоат ташкилотларининг, жумладан, партияларнинг вазифалари нималардан иборат?

Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг Фидокорлар миллий демократик партияси билан ҳамкорликда Тошкент вилояти педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ўтказган маънавий-маърифий тадбирда иштирокчилар эътибори ана шу ҳаётий муҳим масалаларга қаратилди. (ЎЗА).

Қонун ва ижро

КОРХОНАГА ТЕКШИРУВЧИ КЕЛДИ

Назорат идоралари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши Тошкент вилояти бўйича ҳудудий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ҳудудий комиссия аъзолари, вилоят назорат идораларининг раҳбарлари, шаҳарлар ва туманлар бўйича ишчи комиссиялари раисларининг ўринбосарлари, комиссияларнинг хотиблари иштирок этишди.

Йиғилиши вилоят ҳудудий комиссиясининг аъзоси, вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдухамид Йўлдошев бошқарди.

Йиғилишида ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни мувофиқлаштириш яқунлари ва бу ишчи янада тақомиллаштириш вазифалари, чорва-чиликда наслчилик ишлари вилоят давлат инспекцияси томонидан текширишларнинг тартибига солиш амалиёти, Паркент тумани бўйича мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссиянинг шу соҳада қўнучилик талабларига риоя этилишини таъминлаш борасидаги фаолият билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Кўн тартибидagi биринчи масала юзасидан вилоят ҳудудий комиссияси раисининг ўринбосари, Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Мирзохўл Комилонинг ахбороти тингланди.

Тавқидландики, кейинги пайтларда нозорат идоралари ва ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг иқтисодий ва ҳуқуқий билим савиясини ошириш мақсадида ўқув семинарлари ташкил этиш илчил тус олди. Асосий эътибор текширишларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан нозорат қилиш тўғрисида»ги Қонуни, бошқа қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга оғишай риоя қилишга қаратилди. Текширишларни рўйхатга олиш китобларининг юритилиши, улар нозорат идораларининг мансабдор шахслари ва мутахассислари, шунингдек, ҳўжалик раҳбарлари томонидан тўғри ва аниқ тўлдрилиши юзасидан доимий мониторинг ташкил этилди. Натижада асосис арабашулар барҳам топиб бормоқда. Текширишлар қисқаряпти.

ПСКЕНТдан АҚШга, ШВЕЦИЯга...

Пскент пахта тозалаш хисадорлик жамияти жамоаси ҳар йили ишлаб чиқарилган «оқ олтин» толасининг асгарият қисминини чет элларга етказиб беради. Корхонада пахта қайта ишлаш технологиясига қатъий амал қилинаётганлиги тўғрисидаги маълумотларни шу йилнинг бозорда ҳам, ташқи бозорда ҳам харидорлар Жамоа жорий йилда тайёрланган маҳсулотни экспорт қилишни янада қўлайлаштиришни мўлжаллаб қўйди. Бу йилнинг толасининг 6800 тоннасига хориқликлар буюртма беришган. Шунинг учун жамият ишчи-хизматчилари иш сифатига алоҳида эътибор бормоқдалар. Ҳар бир иш жараёни қатъий назорат остига олишган. Ички ва ташқи мижозларга хозиргача етказиб берилган тола сифатига ҳеч қандай эътироз билдирилмаганлиги ҳам шундан. Яқинда эса, АҚШ, Швеция ва қатор бошқа давлатларга 1850 тонна «оқ олтин» толаси жўнатилди. Жамоа барча буюртмаларни вақтида ва сифатли удалаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини кўн сайин кучайтирмоқда.

СУРАТДА: корхона товаршуноси Авазон Давоев ва лаборант-маркировкачи Саета Бакиева маҳсулотни чет эллик мижозларга юбориш учун тайёрламоқдалар.

Еркебай БОТИРОВ олган сурат.

Корхонага текширувчи келди

Миллиард сўм маблаг ундирилган Камчиликларга йўл қўйган 4803 мансабдор шахс ва маъсул ходимга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилди.

Афсуски, айрим ҳолларда текширишларни мувофиқлаштирувчи шаҳар ва туман ҳудудий комиссияларининг фаолиятини ташкил қилишда хануз бир қатор камчиликлар учрамоқда. Чунончи, Бекобод, Охангарон ва Ангрн шаҳарлари, Янгийўл, Бўка, Қўйчилик, Уртачирчик туманларидаги баъзан ҳўжалик субъектларида ҳамон текширишларни рўйхатга олиш китоби жорий этилмаган. Охангарон, Пскент, Юқоричирчик туманлари ва Бекобод шаҳри бўйича ҳудудий ишчи органлари ҳам мониторинг ўтказишгани йўқ, камчиликларни аниқлаб, ҳўжаликларга амалий ёрдам кўрсатишмаляпти.

Йиғилиши чорва наслчилиги вилоят давлат инспекцияси бошлиғи Б. Солибовнинг текширишларни тартибга солишга доир ахбороти ҳам мониторинг ўтказишгани йўқ, камчиликларни аниқлаб, ҳўжаликларга амалий ёрдам кўрсатишмаляпти.

Йиғилиши муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Жўрабек МУРОДОВ.



# «ХУНАРМАНД»НИНГ АНЪАНАВИЙ ФЕСТИВАЛИ

Пойтахтимиздаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида "Хунарманд" уюшмасининг анъанавий халқ амалий санъати фестивали-кўргазмаси бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Соҳада эришилган ютуқларни намойиш этиш, хунармандларнинг ўзаро тажриба алмашишини таъминлашда ушбу тадбир-


имконият яратилди.

Бу ерда уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоят бўлимлари хунарманд ва усталарининг ёғоч ўймакорлиги, кулчилик, гиламдўзлик, миллий каштачилик, нақшчилик, миниатюра, заргарлик сингари халқ ама-

лий санъатининг қирқдан ортиқ тури бўйича ишлаб чиқарган маҳсулотларга ўрин берилди.

"Хунарманд" уюшмаси 1997 йилда давлатимиз раҳбари Исмоил Каримов ташаббуси билан ташкил этилган эди. У кўп асрлик бой маънавий меъросимиз, кадр-

ятларимизни тиклаш, халқ амалий санъати ва хунармандчиликни ривожлантириш, "Устоз-шогирд" анъаналарини жонлантиришда самарали фаолият кўрсатаётган халқаро кўргазма, ярмарка, кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.



этиллабган халқаро кўргазма, ярмарка, кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Назоқат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

## СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ

### Олий табақа «НЕФТЧИ» КУМУШ МЕДАЛ СОҶИБИ

Мамлакат ўн биринчи миллий чемпионатида олтин медал соҳиби ўтган турда маълум бўлган бўлса, 29-турдан сўнг кумуш медал совриндори ҳам аниқланди.

«Дўстлик» — «Нефтичи» учрашувининг биринчи бўлими тенг курашлар остида ўтди (1:1). Танафусдан сўнг фарғоналик футболчилар устунлиги ақвол сезилиб қолди. Улар майдон эгалари дарвозасига бешта тўп киритиб, ўз дарвозаларидан бир тўп ўтказиб юбордилар. «Нефтичи» 28 учрашудан сўнг 63 очко тўлаб, чемпионатда иккинчи ўрини ва кумуш медални кўлга киритди. Дўстликчилар эса, ҳамон 35 очко билан саккинчи ўрини банд этиб турибдилар. «Металлург» «Кўкони» 1912 жамоаси меҳмони бўлиб, ўзини 0:1 ҳисобида бой берди.



### Биринчи табақа СЎНГГИ ТУР АНИҚЛАБ БЕРДИ

Мамлакат чемпионатининг биринчи табақасида кичик олтин ва кумуш медаллари эгалари олдинги турда маълум бўлиб, «Гулистон» ва «Деметчи» келаси йили олий табақада баҳс оlib бориш ҳуқуқини кўлга киритган эди. 35-тур учрашувлари учинчи ўрин эгасини ҳам аниқлаб берди. Вилотимизнинг «Ангрен» жамоаси чемпионатнинг кичик бронза медалини кўлга киритди. У сўнги турда Гулистонда пешқадам билан баҳс юритиб, 1:0 ҳисобида галаба қозонди. «Кимёгар» ҳам сўнги турда зафар қўчди. У ўз майдонда «Шўрчи»ни 3:0 ҳисобида мағлуб этиб, кучли оптикдан жой олди.

Талъат ЮСУПОВ.

### Турон яккакураши

#### ШОҶСУПАДА ТОШКЕНТ ТУМАНИ

Тошкент туманида Турон яккакураши бўйича бешлар ўртасида вилот аниқ биринчилиги бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига бағишлаб ташкил этилган мусобақаларда вилотимизнинг Тошкент, Қиёрай, Янгийул, Зангиота туманлари, Чирчиқ шаҳридаги Олимпия захиралари коллежи ҳамда пойтахтнинг Чилонзор ва А.Икромов туманларидан 300дан зиёд яккакураши ёшлар иштирок этдилар. Юзлаб мухлислар қизиқари ва мурасимсиз кечган беллашувлари мириқиб томоша қилдилар ва алоҳида маҳорат кўрсатган ёш полковларни қизғин оқшўшлар билан кўлаб-қувватладилар. Очiq биринчилик якунида умумжамоа ҳисобида мусобақа мезбони — Тошкент тумани биринчи, Чилонзор тумани иккинчи, Олимпия захиралари коллежи талабалари учинчи ўринларни эгалладилар.

Й.САМАДОВ.

### 2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

#### Хайрли ташаббус

Қарияларни қадрлаш йилида Бекобод шаҳри ҳокимлиги шаҳар ижтимоий таъминот бўлими билан биргаликда сўровнома ўтказиб, эҳтиёжманд кексаларга 11 та ногиронлик арачаси ва 30 дона эшитиш мосламаси зарурлигини аниқлади.

Бундай хайрли ишга ўз улушларини қўшмоқчи бўлган ташаббускор «Анвар», «Сайёра», «Лочин» фирмалари қаторида бошқа ҳиссдорлик жамиятлари ҳам қарияларни ҳур-санд қилишга киришди.

Ўз мухбиримиз.

#### Фахрийлар учун гиламлар

Бекобод тумани жамоат ташкилотларининг вакиллари пенсиядаги қарияларнинг уйларига ташриф буюриб, уларнинг турмуши билан танишиб чиқишди.

Узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, эл ҳурматиغا сазовор бўлган 7 нафар фахрийга ҳокимлик томонидан ажратилган гиламлар совға қилинди.

Нурониларнинг навқирон авлод тарбиясидаги маъқеини ошириш, уларнинг ҳаёт тажрибаларини йиғит-қизлар онгига синдиришга ҳам алоҳида эътибор қаратила-япти.

Ўз мухбиримиз.

Эмишқи, ғам-ташвишларни кўтар-олади, деб андуҳлар тоғларга берилганда, тоғлар кўтара олмай емирилиб, кунпаякун бўлибди. Богларга ташласа, қовжираб, ҳазон бўлиб қолибди. Шунда бу укубатлар инсонга берилибди, у эса, ғам юкнини, худодлиқни, айрилиқни, ҳижронни, барча-барчасини нозик елкаларида кўтариб, синовлардан безавол ўтаверган экан.

Елкасида ана шу оғир юкларнинг залвори, юрагида армони, чўнг бардошларидан юзларига тушган ажини, сочларига қўнган «кирови» бор аёлнинг ҳам.

Мадина бугун ҳаётидаги энг қувончли кун — фарзандларининг тўйлари шодиёнасида яйраб-ашнаб юрди-ю, бирданга ўтган машаққатли кунлари ёдига тушди, негадир эзилди, бир туп райхон ёнига астагина чўқди. Райхоннинг ифори иси ҳовлини тутди. У кўзлари қуйилиб келаётган севинч ёшларини артғиси келмади.

... Ушанда Мадинанинг ҳам бошига оғир савдолар тушган. Унинг беозоргина, меҳнатқаш ва камсуқум эрини ҳам олиб кетишди. Охир оқибатда неча йиллик умрдоши «пахта ишин»нинг ноҳақ қурбони бўлди. Бир этак боласи билан чирқиллаб қолган бева аёлга шу кундан эътиборан ҳамма наҳот эшиклари ёпилди.

Эри бир умр элдошларининг қорига яраб, доимо уларнинг бебиннат хизматларида бўлгучи эди. Қанчадан-қанча эшигини тақиллатиб келган ёру биродарларининг яхши-

ёмон кунларига яраган эди Назир акаси. Илоҳжиз қолиб, йўл-йўриқ сўраб, мадад истаб борганида эса, ўша эшиклар унга очилмади. Ишонган тоғи, суюнган боғи бўлган инсонлар яшайдиган икки дарвозадан қуруқ қайтди, учинчиси оёғи тортимади. Шу кундан эътиборан Мадина фақат ўзига

# ЗУЛМАТ ИЧРА НУР КҮРДИМ...

ишонди, болаларини ҳалол лўқма едириб ўстирди, бамаъни қилиб тарбиялади. Эл уйкуга кетганида, гўлдек ҳунарини ишга солди. Туни билан кийим тикиб чикса, тонгда ширмой патир ёпиб болаларининг оғзи-га тутарди. Бир қисм левидан мазали тасом тайёрларди-ю, қўшнларга гурӯч сўраб чикмасди.

Унинг ўчоғида доим палов бўлмасда олов бўларди, тандириндан иссиқ нон аримасди. Уйи қар-дай эмасу, чинндай тоза, саранжом-саршиш.

Болаларини фақат уқлаб ётгандагина эрқалатарди, пешоналарини кўриб, сочларини силарди. Бош-

қа пайтда вақти ҳам бўлмасди, қол-верса, ёлғиз қўл билан ўстираяпти, суйилиб кетишмасин, деб чўчирди. ... Бир кунни бемаҳалда унинг дарвозаси беҳосдан очилиб, қўшни эр-хотинларнинг қий-қуви эшитилиб қолди.

Эр хотинини дўппослаб, сочла-

ридан тортиб, Мадинани кўрсатиб ўшиқарди. «Шу аёлдан ўрнак ол-санг бўлмайди, бева боши билан бетайин юрмади-я. Эрига сал-доқат саклаб ўтди ёшгина умри! Сендан кам жойи борми, қарасанг-қа, ўзи бир жаҳон, сочи бир жа-ҳон. Сенчи, унинг тирноғига ҳам арзимайсан...»

— Нима бўлди, — титрабгина сўради Мадина.

— Мени ишга жўнатиб, ўзи ал-лақимлар билан хуфёна учрашиб юрибди. Ўйга келсам, ёш болала-рим бурчакка тикилиб ўтиришиб-ди. Буни излаб зўрга топсам...

Шунда Мадина бевафо келинга

### Ибратнома

севшиганлар ҳақидаги ривоятни айтиб берди: «Бир эр-хотин бир-бирларига шундай садоқатли ва муҳаббатли эканларки, алалхусус бир кун эри оғир касал бўлиб, ётиб қолибди. Хулқи ҳам, ўзи ҳам гўзал хотинидан кўз узоқламай, жон беролмасмиш. Буни сезган оқила аёл дарҳол пичоқ олиб келиб, эрининг кўзи олдида бурнини шарт-та кесиб ташлади. Шундагина эри ундан рози бўлиб, омонатини топ-ширган экан. Яъни бу иши билан жувон эрининг «хотиним ёш ва гўзал, менинг ўлимимдан кейин қайта турмушга чиқаримкан, йўқмикан», деган беҳуда хаёл-ларига садоқат билан жавоб берган экан».

Мадинанинг бошини кимдир силаб ўтгандек бўлди, қулоғи-га эса, ўша таниш овоз эши-тилди: «Тур, ўрнингдан жоним, болаларимизга оқ йўл тила, мен сендан розиман, рози». У шахд билан қаддини ростлади, оқшўшлардай бўлиб, ороланиб турган келин-куёвнинг истиқ-болига шовди, оналик муҳаб-бати билан фарзандларини ал-қади. Бу сатрлар эса, садоқат-ли аёлнинг бўйи-басти баробар ярашиқлидир:

Зулмат ичра нур кўрдим,  
Садаф ичра дур кўрдим.  
Ғам келганда сиймирган,  
Бир аёлни нур кўрдим...  
Анора КАРИМОВА.

## «ЁШЛАР ОИТСГА ҚАРШИ»

АIDS Ангрнда шундай шпор остида мактаб ўқувчиларининг кўрик-тан-лови бўлиб ўтди.

Унда шаҳардаги барча умумий таълим муассасаларининг вакиллари қатнашдилар. Улар ўз ўқув юртиларида аср вабоси деб аталган касалликка қарши курашининг бориши, шу мақсадда олиб борилаётган тушунтириш ишлари, унинг олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тад-

бирлар ҳақида ҳикоя қилиб, мавзуга бағишланган плакат-лар, деворий газеталарни намойиш қилдилар. Танловда гўлиб чиққан 43-ўрта мактаб ўқувчилари шу мавзу бўйича вилотда ўтказиладиган тадбирда қатнашиб ҳуққини кўлга киритдилар. Иккинчи ва учинчи ўринлар 28- ва 8-мактабларга берилди. Уларга қимматбаҳо совға-лар топширилди.

Бахтижон ҚИДИРБОВА.

### Кўлганга Нима Етсин!

Биров бир нима сўра-са, Афандининг ўша заҳоти эмас, эртасига беради-дан фалати одати бор эди. Бир кун қўшнис:

- Бир ошлик тўз бериб туринг, — деди.
- Тўз йўқ эди-ку, — деб қайтарди-да, эртасига ўзи олиб чиқиб берди.
- Ие, бор экан-ку, нега кеча бера қолмай, бугун ўзингиз олиб чиқдингиз? — деди қўшниси.
- Берадиган нарсам-нинг қадри билинсин, дедим-да, — жавоб қайтар-ди Афанди.

## «ИКУО ХИРАЯМА БУЮК ИПАК ЙЎЛИДА»

Жорий йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Бадий академияси Япония жамоғамаси маданият департа-менти ижрочи директори Масахико Нородан хушхабар олди.



верситетда таҳсил олган Икуо Хираяманинг 50та тасвирий асардан иборат бўлган шахсий кўргазмаси 11 декабр-да Тошкентда очилади.

Хозирда мазкур олий таълим юрти президенти И.Хираяма жапонлари ушбу кўргазма ва Ўзбекистон — Япо-ния илмий-ижодий маркази — Маданият қарвон саройи бино-сининг очилиш маросимида иштирок этиш учун нуфузли Япония хайъати бошчилигида мамлакатимизга ташриф бую-ради.

Сергей САВЧУК-ҚУРБОНОВ, «Жаҳон» АА.

### Қилмиш-қидирмиш

#### ЮЛГИЧ

Дунёда битта аёл бўлса ҳам заргарга иш топилади дейдилар. Бу мақолдан та-қинчоқлар аёллар зийнати эканлигини илғаб олиш ун-чалик қийин эмас. Аммо бугун кўчаларда тилло зебу-зийнатларини қалаштириб юрганлар юлғичларнинг «қўзини ўйнатмоқда». Янги-йўллик Р.Жабоева ҳам меҳ-мондорчиликка отланаётиб, 150 минг сўмлик тилло зир-рагини тақиб олган эди. У Самарқанд кўчасида кетаёт-ганида номмаълум шахс зир-ракни юлиб, воқеа жойидан яяйринди. Жабрланувчи қулоғини ушлаганича ички ишлар бошқармасига келди. Тезкор ҳаракатлар тўғрисида юлғич — Бухоро вилояти Пешку туманида яшовчи Х.Қодир ушланди. Энди унинг қўлишига яраша жавоб бе-риши аниқ.

Шерали АНВАРОВ, Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасининг Матбуот маркази ходими.

#### ГИЁХВАНДЛИК — ИЛЛАТ

Ўртачирчиқ тумани Тўйтепа шаҳрида Элдор Соннинг оёқ олиши ички ишлар ходимларини шўбхалантирди. Текширилганда унинг ёнидан оқ кукунсимон модда топиб олинди. Экспер-тиза у қучли таъсир этувчи героин гиёхванд-лик моддаси эканлигини тасдиқлади. Шунингдек, Янгийул тумани ички ишлар бўлими ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбирлар мобайнида Т. Абдусатторда ҳам 3,6 грамм гиёхвандлик моддаси борлиги ошкор бўлди.

Хозирда ушбу ҳолатлар бўйича тергов ҳара-катлари олиб борилмоқда.

#### МОТОЦИКЛ ИШКИБОЗИ

Бекобод тумани ички ишлар бошқармасига фуқаро Юрий Маржуба ариза билан мурожаат қилиб, уйдан «Урал» ва «Иж-Юпитер-5» ру-сумли мотоцикллари номмаълум шахс томони-дан ўғирлаб кетилганлигини маълум қилди. Олиб борилган тадбирлар натижасида бу жи-ноятни бекободлик Ф. Йўлдош содир этган-лиги аниқланиб, ундан далилий ашёлар оли-нди.

Шерали АНВАРОВ, Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасининг Матбуот маркази ходими.

### ҚИЗИҚ КИМОШДИ САВДОСИДА НАПОЛЕОН

Париж яқинидаги Фонтенбло шаҳрида Наполеоннинг шахсий буюмларининг ким-оши савдоси бўлиб ўтди. Унинг бирги-на юкка матодан тикилган кўйлагга 63 минг еврога сотилди. Ана шу кўйлакни Наполеон Муқаддас Елена оролида ҳибсада бўлган пайтда қарий олти йил кийиб юрган экан. 1821

### ЙИРТҚИЧДАГИ ТИЛЛА ТИШ

Сингапур ҳайвонот боғларининг бирида яшовчи Йен Бай ла-қабли леопардга тилла тиш қўйилди. Бунинг сабаби леопард хо-дани гажийтганда бир тишини синдириб олганлигидир. Тилла тишни қўйиш операциясида 5 нафар тиш қўвчи ши-фокорлар иштирок этган. Ушбу операция ҳайвонот боғига тўрт юз ўн долларга тушган-лиги маълум қилинди.

### ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

Тошкент вилояти Оҳан-гарон шаҳрида жойлашган РСҮ-3 ҳиссдорлик жамия-ти Хўжалик судининг 2002 йилнинг 31 октябр-даги 110210/752-сонли ҳал қилув қарорига асосан **БАНКРОТ** деб эътироф этилди. Кредиторлардан даъво-лар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давоми-да қабул қилинади. Маълумот учун Оҳан-гарон шаҳридаги теле-фон: (8.264) 5-57-41.

### Барча манфаатдор

шахс ва кредиторлар диққати! Қиёрай ту-манида жойлашган «Huquqiy Madad m.ch» маслаҳат фирмаси «Huquqiy Madad» адво-катлик маслаҳат фир-масига айлантирилди. Барча давволар Тош-кент вилояти Қиёрай тумани Гулистон участкаси, Чимкент йули 1/4-уйда эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давоми-да қабул қилинади. Тел: 152-35-92, 110-60-36.

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Абдуллатиф Абдуҳакимович Ахунжанов номига 0915799 рақам билан берилган яқка тартибдаги тадбир-корлик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКРОТ ҚИЛИНАДИ.**

## СКАНВОРД

Самар-қанддаги туман	Гулзор, чаммазор	Одам улдирган киши	Финиш	Франция-даги энг узун дарё	Қадимги йонор ма-тематик олими	Чирма-шиб ўсувчи тропик усмиля
«Олимпиа-га ... дўлма» (мақола)						
Ичмоқ ... отмоқ				Елгин қолдиги		
	Гул, анов			Билан, бйра	Япон денгиз-даги буюз	
Сигарет тури				Еввойн тоғ қўян		
Махсус нон ёпиш ўчоғи	Буюк Британия-нинг бир қисми	Электр заряди бўлган атом		Яман давлати пойтахти	...нама (давлат)	
		Кичик Осеёдаги қадимги ўлка	Рухсат	Доим яшил хушбўй даревт	Мушкул ... маҳол	Ҳайат
Насихат				Нидер-ландияда давлат бошчилиги		
					Хонадон	
Йиртлаб битган янги йил	Калинов			Эрондаги шаҳар		

Тузувчи: Ақромжон ХУЖАМОВ.

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**  
ТАШКЕНТСКОЕ ПРАВО

**Муассис:**  
ТОШКЕНТ  
ВИЛОЯТИ  
ҲОКИМЛИГИ

**Бош муҳаррир**  
Фатҳиддин  
МУҲИДДИНОВ

**Шеллофонлар:**  
Хатлар ва оммавий ишлар  
Бўлями: 133-40-48  
Эълонлар: 133-70-10,  
136-53-80.

**Маълумимиз:**  
700000, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.  
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида торилди ва саҳифоланди.

• Эълон ва билдирув-лардаги факт ҳамда да-лилларнинг тўричилиги учун реклама ва эълон берув-чилар масъулдир.